

Ибн Жарирнинг китоблари ва ўлмас асарлари



13:42 / 03.12.2019 1639

Ушбу маълумотлар Имом Ибн Жарир Тобарий таълиф этган асарларни бирма-бир санамасдан, ҳисобламасдан ҳамда исмлари ва мавзуларини зикр қилмасдан келтирилган баёнотлардир. Уларнинг баъзилари ҳозирги кунимизгача етиб келган. Бу асарлар ўн, ё йигирма, ё ўттиз нафар фарзанд ва набиралардан кўра, яъни орқада қолган инсонлардан кўра у зотни кўпроқ эслатиб туради. Чунки бу инсонлар озгина вақтдан кейин унутилиб, ёддан чиқиб кетадилар. Аммо у зотнинг асарлари доимий равишда замонлар оша соҳиби учун гўзал эслатма бўлиб тураверади. Мана у зотнинг вафотига бир минг бир юз йил атрофида бўлибдики, кеча-кундуз алмашиб турар экан, бу асарлар то Аллоҳ хоҳлаган пайтгача сақланиб тураверади. Имом Ибн Жавзийнинг айтган гаплари ҳақ: «Олимнинг китоби унинг абадийлаштирилган боласидир».

Маълумот ўрнида ушбу мақоланинг аввалги маълумотлари қуйидаги манзилда:

<https://islom.uz/maqola/11590>

<https://islom.uz/maqola/11497>

<https://islom.uz/maqola/11448>

«Уламолар наздида вақтнинг қадри» китобидан